

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI



Elektron ilmiy-ommabop jurnal

2025

2 -SON

(+998) 50-005-45-69

https://t.me/demografiya_mehnatbozori

demografiya_mehnat_bozori@mail.ru

**DEMOGRAFIYA
VA MEHNAT
BOZORI**

**2025-yil
2-son**

Elektron ilmiy-ommabop jurnal
Электронный научно-популярный журнал
Electronic popular science journal

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

TAHRIR HAY' ATI:

Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.
Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,
Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,
Axmedov Durbek Quدراتillaevich, i.f.d., professor
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.,
Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,
Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,
Mamadaliyeva Xafiza Xoldarovna, i.f.d., prof.,
Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,
Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, g.f.d., professor
Isayev Faxriddin Ikramovich, i.f.d., prof.
Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor
Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor
Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)
Ergashxodjaeva Shaxnoza Djasurovna, i.f.d., professor
Tomash Kuchera, i.f.d., professor (Chexiya)
Abrorov Sirojiddin Zuxriddin o'g'li, PhD
Shakarov Zafar Gaffarovich, PhD, dotsent
Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li, PhD
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li, PhD
Asqarova Muhabbat Ibraximovna
Bahriddinova Muazzam Azam qizi

MUNDARIJA

Умурзаков Баходир Хамидович, Акбарова Малика Ильхомовна <i>Стратегические направления повышения занятости населения в Республике Узбекистан: анализ современного состояния и прогнозирование на период до 2030 года.....</i>	4
Saidjabbor Shoiria Saidg'affor q'izi <i>Гендер тенглиги ва минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг хорижий амалиёти.....</i>	17
Файзиева Дилафруз Шухратовна <i>Демографик ўсиш ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги.....</i>	34
Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li <i>O'zbekiston aholi soniga tashqi mehnat migratsiyasining ta'sirini baholash.....</i>	46
Xudayberdiyev Islamjan Zakirovich <i>Aholining kapital bozorda ishtirok etishga bo'lgan qiziqishini baholash.....</i>	55
Ibrogimov Sherzodbek Xalimjon o'g'li <i>Hududlarda yashil iqtisodiyot sharoitida innovatsion jarayondan foydalangan holda zamonaviy mehnat bozorining rivojlanishi.....</i>	63
Yunusova Ugiloy Bolkiboyevna <i>Problems and solutions in organizing public events in Uzbekistan.....</i>	74
Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li <i>Moliyaviy salohiyatni baholash metodologiyasini shakllanishida makroiqtisodiy indikatorlarning ahamiyatliligi.....</i>	88
Soatov Farhod Komiljon o'g'li <i>Raqamli platformalar orqali real vaqt rejimida boshqaruv hisobotlarini shakllantirish</i>	103
Жулиева Гулноз Юлдашевна, Джулибеков Нурмат Каршибекович <i>«Зелёная» экономика Республики Узбекистан, перспективы развития.....</i>	113
Умурзаков Баходир Хамидович <i>Меҳнат ресурсларининг сифат ва малакавий таркибини шакллантиришда инновацион тенденциялардан фойдаланишнинг хориж тажрибаси таҳлили.....</i>	120
Мирзаева Матлуба Ғайбулла қизи <i>Банклар ресурс базасини мустаҳкамлашда капиталнинг ўрни.....</i>	129
Mamatqulova Mushtariy Komiljon qizi <i>O'zbekiston fiskal siyosatining mehnat migratsiyasi va bandlikka ta'siri: konseptual tahlil</i>	135
Jurayev Elyorbek Sobirjon o'g'li <i>Kichik biznes uchun investitsion muhitni yaxshilashning asosiy yo'nalishlari.....</i>	
Samijonov Musobek G'ayratjon o'g'li <i>Xorijiy investitsiyalar va sanoat korxonalarini modernizatsiyalash: muammo va imkoniyatlar</i>	160
Suvonov Bekniyoz Baxtiyor o'g'li <i>Mehnat ko'rsatkichlari tahlilining xorij tajribasi va undan respublikamizda qo'llash jihatlari.....</i>	140

ДЕМОГРАФИК ЎСИШ ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

Доц. Файзиева Дилафруз Шухратовна
ТДИУ Инновацион менежмент кафедраси

Аннотация Мазкур мақолада демографик ўсиш ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳар томонлама таҳлил қилинади. Унда демографик омилларнинг иқтисодий жараёнларга таъсири, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг аҳоли сони ва тузилмасига таъсири назарий ва амалий жиҳатдан ёритилган. Жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон мисолида олиб борилган таҳлиллار асосида демографик сиёсат ва иқтисодий стратегиялар ўртасидаги мувофиқликнинг аҳамияти асослаб берилади. Шунингдек, мақолада демографик юклама, меҳнат ресурслари, инвестициялар ва ижтимоий инфратузилма каби омиллар ўртасидаги боғлиқлик кўриб чиқилади ва тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.

Калит сўзлар: демографик ўсиш, иқтисодий ривожланиш, аҳоли сони, меҳнат бозори, инвестициялар, ижтимоий инфратузилма, демографик юклама.

ВЗАИМОСВЯЗЬ ДЕМОГРАФИЧЕСКОГО РОСТА И ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

Доц. Файзиева Дилафруз Шухратовна
Кафедра инновационного менеджмента ТГЭУ

Аннотация В данной статье всесторонне рассматривается взаимосвязь между демографическим ростом и экономическим развитием. Анализируются влияние демографических факторов на экономические процессы, а также воздействие экономического роста на численность и структуру населения. На основе международного опыта и примера Узбекистана обоснована важность согласованности между демографической политикой и экономическими стратегиями. Особое внимание уделено вопросам демографической нагрузки, трудовых ресурсов, инвестиций и социальной инфраструктуры, даны соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: демографический рост, экономическое развитие, численность населения, рынок труда, инвестиции, социальная инфраструктура, демографическая нагрузка.

INTERCONNECTION OF DEMOGRAPHIC GROWTH AND ECONOMIC DEVELOPMENT

Assoc. Fayzieva Dilafruz Shukhratovna
TDIU Department of Innovative Management

Abstract This article provides a comprehensive analysis of the interrelationship between demographic growth and economic development. It examines how demographic factors influence economic processes and how economic growth, in turn, affects population size and structure. Based on global experiences and the case of Uzbekistan, the paper emphasizes the importance of aligning demographic policies with economic strategies. It also explores the links between demographic burden, labor resources, investments, and social infrastructure, offering practical recommendations.

Keywords: demographic growth, economic development, population size, labor market, investments, social infrastructure, demographic burden.

Кириш.

Демографик ўсиш ва иқтисодий ривожланиш ўртасидаги боғлиқлик икки аср давомида мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда ушбу икки ҳолат ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатлари тўғрисида аниқ фикр шаклланган. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик муаммоларига бағишланган ҳисоботида “оиладаги туғиладиган фарзандлар сони, уларнинг туғилиши ва туғилиш оралиғидаги муддат мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини рағбатлантириши мумкинлиги, кўп болали оилаларнинг мавжудлиги ва аҳолининг тез ўсиши иқтисодий тараққиётга тўсиқ бўлиб, қашшоқликнинг давом этишига, иқтисодий ўсишнинг секинлашишига ва аҳолининг энг кам таъминланган қатламлари истеъмолининг кўпайишига ҳисса қўшиши айтиб ўтилган” [10].

Демографик жараёнлар аҳолининг иш билан бандлигини оширишда муҳим омил. Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш моделининг ўзгариши ва демографик ўсишнинг юқорилиги натижасида юзага келган трансформацион инқирознинг оқибатлари билан олдиндан белгилаб қўйилди.

Сўнгги йилларда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш моделидаги туб ўзгаришлар бошқарувга янгича ёндашувларни шакллантиришни, меҳнат бозорининг мақбул ишлаши учун илмий асосланган воситаларни яратишни талаб қилмоқда.

Ушбу масалага қизиқиш турли хил муаллифлар томонидан тадқиқот ва илмий ишларнинг янги йўналишларини шакллантирди. Агар марказлашган иқтисодиётда бандликни бошқариш жараёнлари саноат ва иқтисодий ҳудудлар бўйича меҳнат ресурсларини режали тақсимлаш принципига асосланиб қурилган бўлса, янги иқтисодий моделда Ўзбекистон меҳнат бозорида янги бошқарув тизимини шакллантиришни талаб қилиши керак. Мамлакат ҳудудларини демографик жараёнларнинг ривожланиш даражасига қараб фарқлаш аҳолини иш билан бандлигини ошириш, бошқарувга янги ёндашувларни жорий этиш ва ҳудудий ривожланиш омилларини бошқариш самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантиришнинг янги моделларини яратиш заруриятини туғдиради.

Мамлакатдаги аҳолининг иш билан бандлиги, кенг маънода меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий қабул қилинган ҳуқуқлар ва ўз ихтиёри асосида меҳнат билан банд бўлишни таъминлайдиган жамият муносабатлари бўлиб ҳисобланади. Аҳоли даромадларини ошириш ва демографик жараёнларни тартибга солиш ушбу масалага амалий ёндашиш лозимлигини тақозо этади.

Бироқ шундай бўлишига қарамасдан, аҳоли бандлигини янада ошириш бевосита иқтисодий-ижтимоий ҳамда демографик жараёнларнинг ривожланиш ҳолатига ҳам боғлиқ. Демографик жараёнлар ҳам меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлашда жамиятнинг яширин имкониятга эга меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг иш билан бандлигини оширишда бирдек муҳим ҳисобланади. Айниқса, иш билан бандлик соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқишда мамлакатдаги демографик жараёнлар билан боғлиқликда ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга меҳнат бозорини тор маънода ўрганиш, асосан, рўйхатга олинган ишсизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ишга жойлаштиришга йўналтирилган тор сиёсатни ҳам кўзда тутати. Бундай сиёсат фойдали, аммо у ишсизларнинг макроиқтисодий муаммоларини ҳал этмайди.

Адабиётлар таҳлили.

Ўзбекистондаги замонавий демографик вазият меъёрий ривожланиш хусусиятига эга бўлиб, бу эса аҳолининг ёш ва жинсий таркиби, ҳаракат турлари ва мамлакат аҳолисининг кўпайиш миқдори билан изоҳланади. Демографик вазият мамлакатда миллий даражада демографик ва аҳолининг репродуктив хатти-ҳаракатлари умумий тенденциясини кўрсатади. Аҳолининг репродуктив хатти-ҳаракатлари мамлакатнинг демографик жараёнларидаги ўзгаришларни

шакллантирувчи етакчи элемент бўлиб, уни таҳлил қилиш ҳақиқий демографик вазиятни ўрганишнинг муҳим вазифаларидан саналади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, мустақиллик йилларида аҳолини рўйхатга олиш умуман ўтказилмади. Шу сабабли демографик жараёнлар ва аҳолини иш билан бандлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик чуқур ўрганишни талаб этмоқда.

Ўзбекистонда демографик вазиятларни ўрганувчи ва унинг иқтисодиётга таъсирини, жумладан, аҳолини меҳнат билан бандлигига таъсирини баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борувчи мутахассислар бир мунча камчилиكنи ташкил этади.

Жумладан мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимларидан бўлган Б.Х.Умурзаковнинг демографик жараён тушунчасига берган таърифига кўра – “бу аҳолининг вақт ва маконларда ривожланишини акс эттирадиган ҳодисалар бўлиб, унинг кўпайиши, ўлими, жинси ва ёш таркиби ҳамда меҳнат ресурсларининг миқдор жиҳатидан ўзгаришлари бевосита жамиятнинг ҳамда миллий иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатувчи ҳодиса ҳисобланади”[7].

Турли мутахассислар демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлашади. Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида инновацияларнинг таъсири ва шу билан бирга аҳолини иш билан бандлиги масалаларининг ҳал этилиш жиҳатлари демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этишга бўлган талабни орттирмоқда. Бундай жараёнлар энг аввало, мамлакатимиз аҳолиси сонининг кескин ортиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Аҳоли бандлиги ва меҳнат бозори масалаларини ўрганиш А.Смит [6], Д.Рикардо [8], К.Маркс, А.Маршал каби иқтисодий назария вакиллариининг изланишларида ўз аксини топган. Кейнс иқтисодий назарияси асосчиси бўлган олим Жон Мейнард Кейнс ва унинг издошлари томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиёти тизими мезонлари бозор иқтисодиёти методологиясининг асосини ташкил этади. Ушбу тадқиқотлар натижаларининг асосий қоидалари Ўзбекистон иқтисодиётининг бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли бандлиги ва меҳнат бозори фаолияти концепциясининг шаклланишига ва мамлакатнинг демографик жараёнлари ривожланишига ёрдам берди.

Ҳисобот муаллифларининг фикрига кўра агар 1990 йилларда барча мамлакатлардаги туғилиш даражасини пасайтиришга муваффақ бўлинганда, дунё бўйича қашшоқлик учдан бир қисмга камайишига эришилган бўлар эди. Қашшоқликни енгиш учун давлатлар демографик муаммоларни ҳал қилишлари ва камбағаллар учун ёмон санитария шароитларига ва уларнинг кўпайиши оқибатларига қарши курашишлари керак.


Ушбу ёндашув 1960-1970 йилларда кенг тарқалган нео-Малтузиан тамойилига асосланади, унга кўра “туғилишнинг кўпайиши иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилади ҳамда озиқ овқат етишмовчилигига олиб келади”[11]. Унинг таъсири остида оилани режалаштириш дастурлари ишлаб чиқилди, улар жамоат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди ва қашшоқ мамлакатларнинг барча иқтисодий муаммолари учун даво сифатида тақдим этилди. Бироқ 1980-йилларда эмпирик тадқиқотлар нео-Малтузия ғояларини обрўсизлантирди. Уларнинг ўрнини иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичи моддий активлар кўринишидаги жисмоний капитални тўплаш эмас, балки инсон капитали ва техника тараққиёти бўлган ёндашув эгаллади. Ушбу қараш тарафдорлари демографик босим, институционал, техник ва сиёсий ўзгаришларни рағбатлантирмоқда, деб ҳисоблашади.

Сўнгги йилларда иқтисодчи олимлар демографик жараёнларнинг иқтисодий ривожланишдаги бирламчи ўрни ҳақидаги фикрларга қайтмоқдалар. Инсонларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги ўсиши, аёлларнинг туғиш кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади, бу эса меҳнатга лаёқатли аҳолининг умумий сонига оилалар қарамог'ида бўлганлар улушининг кўпайишига олиб келади. Оиладаги аъзолар сонининг қисқариши аёлларнинг иқтисодий бандлигини оширади.

Бозор иқтисодиёти механизмини тартибга солувчи элементлардан бири бўлган иш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган соғлом рақобат муҳитини яратиш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган илмий — тадқиқотларни ўтказиш, яъни демографик кўрсаткичларга эга ҳудудлар — Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш мақсадида меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги ўзгаришларни доимо ўрганиб бориш меҳнат бозорида таклиф эҳтиёжларини қондириш бўйича рақобат устунликларини аниқлаш ва яратиш орқали аҳолининг демографик жиҳатлари ва иш билан бандлик даражасини ошириш механизмларининг асосини ташкил этади. ёшлар, аёллар ва мигрантларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга имконият яратиш асосида такомиллаштирилди.

Биз таклиф этаётган мазкур механизмда аҳолини иш билан бандлик даражасини оширишнинг демографик жиҳатларининг икки ижобий ва салбий томони таҳлил қилинган. Аксарият илмий-тадқиқот ишларида тавсия этилаётган ғоя ёки илмий қарашларда муаллифларнинг бир томонлама ёндашувини кузатиш мумкин. Ҳозирги давр, ҳозирги шароитда барча соҳаларда фақат ютуқлар эмас, аксинча муаммолар сўралапти. Ўз-ўзидан савол туғилади. Муаммони қандай аниқлаш мумкин. Айниқса, илмий-тадқиқот йўналишида муаммони фақат ижобий ва салбий томонларнинг қиёсий таҳлили орқали топиш мумкин. Шунинг учун ҳам

мазкур илмий-тадқиқот ишида тавсия этилаётган механизм мавзу олдида қўйилган мақсаднинг илмийлигини ошириш ҳамда янада аниқ натижага эришиш учун икки томонлама қиёсий таҳлиллар амалга оширилди. (1-расм)



1- расм. Аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш механизми

Изоҳ: Муаллиф тадқиқотлари асосида шакллантирилган

Хулоса қилиб айтганда, республикада кейинги йилларда меҳнат бозорини ўрганиш ҳамда мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда иш билан бандлик масалалари юзасидан қатор мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу боис мамлакат миқёсида аҳоли ва меҳнат ресурсларининг жойлашиш хусусиятларини ўрганиш ва шу асосда тегишли хулосалар бериш муҳим аҳамият касб этиб, у ҳудудий меҳнат бозори фаолиятини янада яхшилаш билан бир қаторда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига замин ҳозирлайди

Меҳнат бозори меҳнатни ўзлаштира олар экан, меҳнат унумдорлиги кўтарилади. Бу иқтисодий ўсишнинг "демографик дивидендлари" ни

яратади, бу жамғарма ва инвестицияларнинг кўпайишига ёрдам беради. Фарзандлари кам бўлган оилалар таълимга ва фарзандларининг соғлиғига кўпроқ пул сарфлашлари ортиб боради, бу эса ишчи кучи сифатининг ошишига олиб келади.

“Марказий Осиёда Ўзбекистон ўзининг энг кўп сонли аҳолиси ва меҳнат ресурсларининг юқори ўсиш суръатига эга, табиий ресурсларнинг бой захиралари мавжуд ҳамда юқори иқтисодий ва инвестицион салоҳияти билан қўшни давлатлардан кескин фарқ қилади.”[12]

Маълумки, демографик ўсишнинг турли хил вариантлари ва унинг вақт ўтиши билан ўзгариши иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омилдир. Иқтисодий ўсиш демографик ўсишнинг биринчи ва охириги босқичларида, яъни энг ёш ва кекса аҳоли гуруҳлари сони максимал қийматига етганда секинлашади. “Демографик дивидендлар” фақат ўрта босқичда ва фақат бир марта пайдо бўлади. Узоқ муддатли истиқболда туғилишнинг паст даражаси қариялар сонининг нисбатан кўпайишига олиб келади, бу эса қарамлик коэффицентини оширади (пенсия ёшидагиларнинг меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар умумий сонидagi улуши), “Демографик дивидендлар”ни иқтисодиёт ва жамият томонидан бир хил тарзда қўлга кирита-олишмайди. Иқтисодий фаол аҳолининг юқори маҳсулдорлигини таъминлаш учун самарали сиёсат, яъни меҳнат бозорида мослашувчанликни жорий этиш, жамғарма ва инвестициялар миқдори, шунингдек, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш тизими учун имтиёзлар бериш бениҳоя муҳим ҳисобланади.

Бизнингча, ўлим даражаси ва туғилиш коэффицентларининг пасайиши натижасида келиб чиққан ёш пирамидасининг ўзгариши иқтисодий ўсишнинг асосий омилдир. Қашшоқликка келсак, унинг камайиши нафақат иқтисодий ўсиш ва шу билан бирга аҳолининг иш билан бандлигининг ўсишига ҳам олиб келади. Туғилишнинг қисқариши, ўз навбатида, истеъмолнинг камбағаллар фойдасига қайта тақсимланишига олиб келади ва аёлларнинг меҳнат бозорига чиқишлари орқали ушбу тоифа одамларнинг даромадларини ошириш имкони юзага келади.

“Демографик дивидендлар” Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги “иқтисодий мўъжиза”нинг асосий таркибий қисмига айланди. Ўтган асрнинг 50-йилларида, ушбу мамлакатларда ҳар бир аёлга ўртача олтита бола тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич иккитани ташкил этмоқда. Туғилишнинг пасайиши натижасида иқтисодий фаол аҳолининг улуши 1965 йилдаги 57 фоиздан 65 фоизгача кўтарилиб, оила қарамлигида бўлганлар сони тўрт барабар кўпайган баъзи ҳисоб-китобларга кўра “демографик дивиденд” бу даврда аҳоли жон

бошига даромадлар ўсишининг тахминан учдан бир қисмини таъминлаган.

Аксинча, Лотин Америкаси давлатлари ушбу ҳодисадан тўлиқ фойдалана олмадилар. Қулай демографик шароитларга қарамай аҳоли жон бошига даромад 1975 йилдан 1998 йилгача Жанубий-Шарқий Осиёдаги 6,8 фоизга нисбатан атиги 0,7 фоизга ўсди. Бу нотўғри сиёсий танлов натижасида содир бўлган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, агар ҳудудда кўпроқ савдо-сотиқ бўлса, жон бошига ўртача даромаднинг ўсиши икки баравар кўпайиши мумкин.

Шундай қилиб, тажриба шуни кўрсатадики, демографик ўтиш босқичига ўтаётган ривожланаётган мамлакатларда демографик дивидендларни олиш учун ягона имконият мавжуд. Жануби-Шарқий Осиёдаги қарамлик даражаси 2015 ва 2025 йилларда энг юқори даражага кўтарилиши тахмин қилинмоқда.

Француз иқтисодчилари иқтисодий ўсиш ва демографик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик энг мураккаб ва зиддиятли нарсалардан бири эканлигини таъкидлайди. Уни таҳлил қилиш учун фақат миқдорий ёндашув етарли эмас. Бу соҳада ХХІ асрнинг бошларида дунёда фақат сифатли ёндашув мавжуд бўлган инсон ресурслари ва ишчи кучи талаблари ҳамда демографик ўзгаришларнинг иқтисодий ўсиш, тадбиркорлик учун юзага келиши мумкин бўлган оқибатлари ўртасидаги мувофиқликни аниқлай олади.

“Инсон ресурсларини бошқариш соҳасидаги асосий тавсиялар Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган. ХМТнинг асосий қоидалари меҳнат жараёнининг турли томонлари ўртасида муносабатлар ўрнатиш, иш жойларида нормал ва хавфсиз меҳнат шароитларини сақлашга қаратилган [13]. Демографик жараёнлар масалан, меҳнат ёшига кириб келаётган ёшлар сонининг пасайиши ёки иқтисодий фаол аҳолининг қариши, янги вазиятга тушиб қолган ишчилар, шунингдек, улар ўзларининг меҳнат бозоридаги хатти-ҳаракатларини ўзгартириши керак. Демографик ўзгаришлардан ташқари иқтисодиёт ва жамиятга чуқур таъсир кўрсатадиган омиллар бу технологик инновацияларнинг тезлиги ва табиати, корхоналар ичидаги ишлаб чиқаришни бошқариш усуллариининг ўзгариши, “меҳнат” тушунчасининг мазмун ва маъносини ўрганиш, истеъмолнинг ўзгаришига олиб келади.

Бизнингча, вақт ўтиши билан демография, иқтисодиёт ва бандлик ўртасидаги муносабатлар барқарор бўлиши мумкин эмас. Биринчидан, мавжуд иқтисодий фаол аҳолининг хусусиятларини, иқтисодий ўсиш турларини, жамиятнинг ҳолати ва одамларнинг хоҳиш-истакларини ҳисобга олган ҳолда иш билан бандликнинг турли хил таркибий

қисмларини келажакдаги ўзгариши билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган янги вазиятни аниқлаш керак.

Демографик ўсиш оқибатларини қоплаш учун етарли бўлмаслиги мумкин бўлган ишсизликнинг пасайишига кўп ишонмаслик керак.

1985-1995 йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий фаол аҳолиси йиллик ўсиши ўртача 270 минг кишини, 1995-2005 йилларда 200 минг кишини ва 2005-2010 йилларда 220 минг кишини ташкил этади. 2010-2020 йилларда иқтисодий фаол аҳоли ўсиши йиллик ўртача 230 минг кишини ташкил этади.

Бундай динамика аҳолининг қариши жараёнини кўпайиши кузатилмоқда. 1995 йилда 20-39 ёшдаги ва 40-59 ёшдаги иқтисодий фаол аҳоли сонининг нисбати 1,23 ни ташкил этди. 2000 йилга келиб у 1,10 га тушиб кетди. 2010 йилда бу кўрсаткич 0,95, 2015 йилда эса 0,92 бўлди. 2005 йилдан сўнг 40-59 ёшдаги гуруҳ иқтисодий фаол аҳоли орасида ҳукмронлик қилади. Айнан шу 20 йил давомида бир хил йўналишда давом этадиган доимий йиллик ўзгаришларнинг тўпланиш тенденцияси демографик ўсишга далолат беради ва демографик вазиятнинг тубдан ўзгаришига олиб келади.

Иқтисодий фаол аҳоли динамикасидаги катта фарқлар бошқа саноатлашган мамлакатларда ҳам қайд этилган. Япония бир неча йил олдин иқтисодий фаол аҳолининг пасайиш даврига кирган, бу давр, яъни 2000-2015, йилларда ушбу коҳортанинг тахминан 15 фоизини ташкил этади. Аксинча, Америка Қўшма Штатларида иқтисодий фаол аҳоли 2015 йилгача ўсиб борди ва кейинчалик барқарорлашди. Иқтисодий фаол аҳолининг камайиши бўйича Япония Европа мамлакатларидан ўн йил олдинда. Қўшма Штатларда ушбу аҳолининг камайиши Европа Иттифоқига қараганда ўн йил ўтиб содир бўлади, бу эса иқтисодий ўсишнинг ҳозирги даражасини сақлаб қолиш шарти билан улар учун маълум афзалликларни яратади.

Бизнинг ҳисоб-китобларига кўра Ўзбекистонда бугунги кунда ишчи кучи учун иш ўринларининг етишмаслиги ҳолати мавжуд бўлиб, яқин келажакда йиллик иқтисодий ўсиши 7-8 фоизни ташкил этиши малакали ишчи кучи етишмаслигига олиб келади, бу кўрсаткичлар 2020-2025 йилларда — 200 минг, 2025-2030 йилларда -50 минг кишини ташкил этади.

Бир қарашда Ўзбекистондаги прогноз қилинаётган иш ўринлари етишмовчилигини 1995 йилда 11,5% ва 2010 йилда 8,5% даражада бўлган ишсизликни камайтириш орқали осонликча қоплаш мумкиндек кўринади. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, иш билан бандликнинг ўсиши ҳеч қачон ишсизликнинг камайишига олиб келмайди, (ҳатто иқтисодий фаол аҳолининг юқори ҳаракатчанлиги бўлган мамлакатларда ҳам). Бундан ташқари ишсизлик даражаси ва малакаси тури бўйича устун тузилишга эга

бўлган ҳолда янги иш билан таъминланган ишсизлар сони узоқ иқтисодий ўсиш даврида ишчи кучини талаб қиладиган соҳаларда (айниқса, ишлаб чиқариш тармоқлари ва техник ходимлар малакасининг ўртача даражасини талаб қиладиган лавозимлар учун) паст бўлиб қолмоқда.

Иқтисодий фаол аҳолининг қариши ходимлари 50 ёшдан ошган корхоналарда янги функцияларга мослаштирилмаган малакасиз ишчи кучининг ортиқча бўлишига олиб келади. Ушбу ишчиларнинг катта қисми ишдан бўшатилиши мумкин ва ишсизлар сони сезиларли даражада кўпайиши ҳам мумкин.

Бизнингча, меҳнат унумдорлиги ишсизлик муаммосини ҳал қилишда муҳим рол ўйнайди, айнан юқори маҳсулдорликка эга тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлайди ва шу билан бирга янги иш ўринларини яратади. Бундан ташқари, уларнинг умумий иш билан таъминланишига таъсири, иқтисодий ўсиш натижасида олинадиган даромадлар ҳисобига молиялаштирилиши мумкин бўлган, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кам маҳсулдор ишлаб чиқаришларни ривожлантириш билан тўлдирилади.

Ривожланган мамлакатларда меҳнат унумдорлигининг ўсишидан олинадиган қўшимча даромадлар корхоналарга истиқболли тармоқларда юқори қўшимча қийматга эга бўлган фаолиятнинг янги турларини ривожлантириш учун маблағ ажратишга имкон яратади. Бундан ташқари арзон кредит олиш имконияти нисбатан осон бўлган корхоналар учун молиявий воситачиларнинг кам харажатлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги бозорларни эгаллаш имкониятларини беради. Бундай ҳолда, айрим саноат тармоқларида маҳсулдорликнинг ўсиши, бошқа соҳаларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва иш ўринларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ва таклифлар.

Иш билан бандликнинг келажаги борган сари унумдорлиги паст бўлган индивидуал хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятга асосланган бўлади. Юқори малакани талаб қилмайдиган хизматлар (сервис соҳаси, клиринг, кексалар, болалар ва ногиронларга ғамхўрлик қилиш) сақланиб қолади, аммо малакали кадрларни талаб қиладиган бошқа хизмат турларининг кўпайиши туфайли уларнинг жисмоний шахсларга кўрсатиладиган хизматлар ҳажмидаги улуши сезиларли даражада камаяди. Шундай қилиб, паст маҳсулдорликка эга, аммо иш билан таъминлашга катта таъсир кўрсатадиган хизматларни молиялаштириш тўғрисида савол туғилади. Қўшимча даромад келтирадиган юқори қўшимча қийматга эга бўлган ишлаб чиқариш фаолияти ривожланган тақдирдагина иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш мумкин.

Иш фаолияти тугаган ишчилар, "ёш" нафақахўрлар ва қариялар, шунингдек ёшлар, ўрта ёшдаги одамлар ва уларнинг оилалари ҳақида фикрлашамиз. Келажакдаги жамиятнинг ҳолати тез ўсиб боровчи 50-75 ёшдаги аҳоли гуруҳининг позициясига боғлиқ бўлади. Соғлиғи нисбатан яхши бўлган ушбу гуруҳнинг ёшроқ қисми пенсиялари ва ўз жамғармаларини бошқариш орқали молиявий операцияларда фаол иштирок этишлари туфайли юқори турмуш даражасидан баҳраманд бўлишади. Ва ниҳоят, ушбу гуруҳ хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаш имкониятига эга бўлади, бу эса нафақахўрларнинг бир қисми меҳнат фаолиятини давом эттиришига олиб келади. Иш жойларини сақлаб қолиш учун улар иш берувчиларга имтиёзлар беришлари керак бўлади (масалан, иш стажлари кўпайиши билан иш ҳақини оширишни рад этиш), кекса авлоднинг иш билан бандлиги ёшларни ишдан маҳрум қилади, деган фикрдан воз кечиш, жамоат ҳаётидаги иштирокини ошириш, молиявий инвестицияларни бошқаришни ўрганиш ва бошқалар.

Кекса ёшдаги одамларнинг кўпайиши уларни таъминлаш учун бюджет харажатлари ва ижтимоий таъминот тизими харажатларини кўпайтиради. Бироқ "нафақахўрлар хазинани бўшатишмоқда" деган қараш "ёш" нафақахўрларга нисбатан адолатсизлик, улар қоида тариқасида, молиявий тузилмалар орқали ўз маблағларини таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бошқа томондан, ҳозирги пайтда жуда кекса одамларни харажатлари кам баҳоланмоқда. Келгусида кўпроқ миқдордаги қўшимча ёрдам ёки қўшимча пул ёрдами талаб қилиниши кекса авлодни парвариш қилишга ихтисослашган муассасаларга эҳтиёж ортади. Бундан ташқари кекса ёшдагилар учун ижтимоий таъминот тизимидаги соғлиқни сақлаш тизими учун жуда катта харажатлар талаб этилади. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётини таъминлаш, яъни иқтисодиётда талаб этиладиган ишчи кучининг зарурий миқдорини аниқлаш, бизнингча бугунги кунда муҳим ҳисобланади. Чунки айнан иқтисодий фаол аҳолининг миқдори авваламбор, иқтисодий ўсиш ва ишсизлик миқдорининг меъёрини белгилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Академик Абдурахманов К.Х. *Меҳнат иқтисодиёти*. Дарслик, ТДИУ. 2019.
2. Академик Абдурахманов К.Х. "Labour Economics. Theory and Practice" <https://review.uz/post/mirovovoe-priznanie-uchenogo-iz-uzbekistana>
3. Абдурахмонов Қ.Х. *Меҳнат бозори назариясига янгича ёндашувлар* // "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 1 сентябрь, 2011. –Б.46-52. Iqtisodiyot.uz

4. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Т.: Меҳнат, 2004.-203-214-б.
5. Аҳмедов Д.Қ. ва бошқалар. Макроиқтисодиёт. -Т.: 2004. –147 б
6. Адам Смит Исследование о природе и причинах богатства народов/; (пер.с англ.П.Клюкина). — Москва: Эксмо, 2020.–1056 с.
7. Умурзаков Б.Х. Ижтимоий ҳаёт ва демографик босимлар. Халқ сўзи. 2018 йил 19 декабрь;
8. Дэвид Рикардо. Начало политической экономии и налогового облажения (пер.с англ.; предисл. П.Клюкина).–Москва: Эксмо, 2016.–1040с.– (Великие экономисты).
9. 7.2016 йилда ишчи ўринлари яратиш дастури ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисини иш билан бандлигини ошириш. <https://mehnat.uz>.
10. 8.2017 йилда ишчи ўринлари яратиш дастури ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисини иш билан бандлигини ошириш. <https://mehnat.uz>.
11. Исследование о природе и причинах богатства народов/Адам Смит; (пер.сангл.П.Клюкина). — Москва: Эксмо, 2020.–1056 с.
12. Народнонаселение мира в 2018 году. Фонд Организации Объединенных Наций в области народонаселения 605 Third Avenue NewYork, NY 10158 Тел.: +1 212 297 5000 www.unfpa.org @UNFPA.
13. Неомальтуизанство в современной методологии истории.Нефёдов.С.АВестник Российской Акадкмии наук. Издательство: Российская академия наук (Москва) ISSN: 0869-5873
14. Improving the efficiency of attracting foreign investment and international borrowingKhodzhaevichARustamovnaSKalandarovna Z et al.Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems (2019) 11(5 Special Issue) 1543-1555
15. The role of the international labor organization in the human resource management system KhodzhaevichDavlyatovichKYuldashevich MInternational Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (2019) 8(9 Special Issue 3) 169-175

DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

BOSH MUHARRIR:

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

MUHARRIR:

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

